

Мустақил ўқиш – давр талаби

**Исломов Б. – А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ.,
Хошимхонова М. - МТМХҚТМОРИММ**

Илмий-техника тараққий этган, жамият турли-туман ахборотлар билан тобора юксалиб бораётган, фан оламидаги янгиликлар, руҳшунослик, тарбияшунослик фанлари ютуқлари ривож топаётган бир даврда ўқитувчи ундан орқада қолишга маънавий ҳаққи йўқ. Афсуски, ўқитувчилар малакасини ошириш ишлари ҳозирги кунда ўқитувчининг ўқиб бораётган шахсий эҳтиёжини қондирмаяпти. Тўғриси айтсак, ўқитувчи малака ошириш курсларидан қайтгач, ишида кескин бурилиш ясай олмаяпти. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, курс давомида ўқитувчи онгига ўз устида мустақил ишлаш зарурлиги сингдира олинмаяпти ёки курсдан қайтгач, унинг фаолияти назоратсиз қолиб, илгариги лоқайдлиги ҳукм сурмоқда. Шунинг учун ўз-ўзидан нима учун малака ошириш курслари ўқитувчи фаолиятида, унинг ишини қайта қуришда ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат этмаяпти? деган ҳақли савол туғилади.

Бунинг муайян сабаблари бор. Биринчидан, ўқитувчи уч йилда бир маротаба малака ошириш курсларидан ўтади. Бу давр ичида ўзгаришлар, ахборотлар шунчалик кўпаядики, уни ўқитувчи 3-4 ҳафталик курсларда тўла эгаллаб олишга улгурмайди. Бундан ташқари ўқитувчиларни иш стажларига қараб, қачон қай вaқтда малака оширганлигига қараб ўқишга чақирилади. Бир ўқув гуруҳида ўз устида тинмай мустақил ишлаган ва ўз фанини яхши ўзлаштирмаган, методика жиҳатдан савияси етарли бўлмаганлар ўтиришади. Буларнинг барчаси бир хил режа, дастур ва бир хилдаги маъруза тинглашади, бирдек амалий машғулот ўтказилади. Маълумки, бундай курслар яхши самара бермай, тингловчини амалий иш давридаги зарурий эҳтиёжини қондирмайди. Яъни, малака оширишга диагностика жиҳатдан ёндошилмайди.

Шундай экан малака оширишнинг табақалаштирилган тизимидан фойдаланишни ташкил этиш даври келди: Масалан: Малака оширишни биринчи бошлаган педагогик ходим ва таълим муассасаси раҳбарларини; I-йилдан уч йилгача стажга эга бўлганлар, уч йилдан 6 йилгача иш стажига эга бўлганлар ва 6 йилдан ортиқ стажга эга бўлганлар гуруҳларини бир-бирини такрорламайдиган ўқув режа асосида малака ошириш курсида ўқитишни жорий қилиш ҳозирги куннинг талаби ҳисобланади.

Малака ошириш институтлари профессор-ўқитувчиларнинг салоҳияти талаб даражасида бўлишига эришмоқ керак. Шунингдек, ПКҚТМО институтларининг ўқув-моддий ва моддий техника базасини бойитиш зарур.

Ойлик курсларни тугатган тингловчилар орасида ўз иш жараёнида ижодкорлик билан ўз туманида замонавий педтехнологиялардан фойдаланиб, таълим стандартлари асосида ўқувчиларни ҳар томонлама билимдонлик даражасига эришганлигини таъминлаган туман бўйича рейтинг кўрсаткичлари юқори бўлган ўқитувчи (мактаб раҳбарлари)нинг банкни яратиш мақсадга мувофиқдир.

Раҳбар ва педагог кадрнинг малака ошириши мобайнида эгаллаган билими, кўникмаси ва орттирган малакасини ўз фаолияти давомида қўллаши ва шу билан таълим-тарбия жараёнини ривожлантиришнинг илмий асосланган ва расман эътироф этилган механизмга амал қилиш, малака ошириш куреларини самарадорлигини ўрганиш ва оммалаштириш тизимини қайта тиклаш зарур. Шундай экан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги 25-сонли қарорида кўрсатилган Малака оширишнинг 10 шаклларида унумли фойдаланиш малака оширишнинг узлуксизлигини таъминлайди.

Мустақил ўқиб билим орттириш шаклида малака оширишни барқарор юқори профессионал рейтингига эга бўлган, замонавий ахборот технологиялар билан ишлашнинг амалий кўникмаларини эгаллаб олган, ўзини ўзи камол топтириш

жараёнига танқидий ва ижодий ёндашишга қодир бўлган барча педагоглар учун тавсия этиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай экан педагогик ходим ўз билимини замон талабида бўлишлиги учун режа асосида малака оширишнинг қуйидаги шаклидан фойдаланишни тавсия этилади:



I – Миллий ғоя ва маънавият асослари йўналишида педагог Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент И.Каримов асарларини, маънавиятга оид адабиётларини ўрганишни режалаштиради, тарихни ўрганади;

II – Бошқарув менежменти раҳбарлари учун алоҳида йўналиш бўлиб, “Таълим тўғрисида”ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, давлат умуммиллий дастури, Президент Фармойиши, фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларни ўрганиб боради;

III – Педагогика ва психология йўналишида ҳар бир педагог миллий ва халқ педагогикаси аъаналарига эътибор беради ва шунга оид адабиётлар танлайди. Психология фанининг охириги янгиликларини билишга ҳаракат қилиш керак;

IV. Методика йўналиши педагогнинг методик маҳоратини ошириш, илғор педагогик технологияларни ўзлаштириб боришда халқ таълими вазирлигини меъёрий ҳужжатларини ўзлаштириши лозим;

V. Бадий ва маданий йўналишида педагог ҳар бир ўтказиладиган машғулотини бадий дид билан жиҳозлаши, турли методикадан фойдаланиши, бунда ўқитувчини нутқи, кийиниши ва машғулотларни жиҳозига эътибор беради.

Ўз билимини мустақил режа асосида такомиллаштириб бераётган педагог режани бир ўқув йилига мўлжаллаб тузиши, ҳар чоракда унинг натижасини метод бирлашмада ҳисобот бериши шарт. Ўқитувчини изланиши ўқувчиларга бераётган билимда ўз самарасини кўрсатиши керак.

Малака оширишдан малака оширишгача бўлган уч йил муддатда қўлга киритган янгиликлар мониторинги асосида ижодий малака иши вужудга келиши мумкин.

Ушбу муаммолар ўзининг ижобий ечимини топган тақдирдагина раҳбар ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимини самарали бўлишлигини кутиш мумкин.